НИЗОМИЙ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

___________ А.К.Киргизбаев

2022 йил "30" 08

# МУСИҚА ПЕДАГОГИКАСИ

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| Билим соҳаси: | 100000 – Таълим |
| Таълим соҳаси: | 110000 – Таълим |
| Магистратура мутахассислиги: | 70111301- Мусиқа таълими ва санъати |



CamScanner yordamida skanerlangan

| Фан/модуль коди MusPM2104 | Ўқув йили 2022-2023 | | Семестр 1 | Кредитлар 5 |
|---|---|---|---|---|
| Фан/модуль тури Мажбурий | Таълим тили Ўзбек/Рус тили | | | Ҳафтадаги дарс соатлари 4 |

| 1. | Фаннинг номи | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
|---|---|---|---|---|
| | Мусиқа педагогикаси | 60 | 90 | 150 |

**2.** **I. Фаннинг мазмуни**

Фаннинг мақсади – бўлажак магистрга мусиқий-педагогик таълимнинг илмий ва методологик асослари, назарияси, унинг мақсад ва вазифалари, мазмуни ва технологиялари ҳақида билим бериш, шунингдек олинган билим, малака ва кўникмаларни амалий фаолиятда қўллаш тажрибасини шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифалари: мусиқий-педагогик назарияси ва амалиёти, илмий ва методологик асослари,ўзбекистон Республикасида узлуксиз мусиқий-педагогик таълим тизими, мусиқий-педагогик таълимнинг замонавий концепцияси (олий мусиқий-педагогик таълимнинг мақсад, вазифалари, мазмуни ва етакчи тамойиллари) ва унинг технологиялари, шакл ва методлари ҳақида билимлар бериш ва ҳк. Мусиқий-педагогик таълим тарихи ва назариясига оид билимларни келгуси амалий фаолиятда қўллаш малакаларини шакллантиришдан иборат.

### II. Назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

**1-мавзу. Ўзбекистонда мусиқа педагогикасининг энг қадимги даврлардан XVI асргача даврдаги ривожланиши**

Тарихий давр ва ўзбекистонда мусиқа педагогикасининг енг қадимги даврлардан то XVI асргача даврдаги ривожланишига қисқача тавсиф. Енг қадимги даврлардан мусиқий тарбиянинг тур ва шакллари: инстинктли, табиий – амалий, маиший, маросим ва б. феодал даврда мусиқий таълим ва тарбия турлари ва шаклари: бошланғич мактаблар,ўрта асрлар университетлари: мадрасалар, мачит мактаблари, мактаблар. Шарқ



CamScanner yordamida skanerlangan

алломаларининг мусиқа илми ривожланишига IX – XVI асрларда мусиқа назарияси ва мусиқада шакллар борасида қўшган ҳиссаси. Ибн Сино, Фаробий, Жомий, Кавкабий, Навоий, Дарвиш Али ва б.), ўрта асрлар даври мусиқа таълими: XVII-XIX ва XX аср бошларигача даврда мусиқа таълими, халқ мусиқа педагогикаси.

**2-мавзу. Амир Темур ва Темурийлар даврида мусиқа педагогикаси ривожи. XVI асрдан XIX аср бошларигача даврдаўзбекистонда мусиқий маданият, санъат ва педагогика**

Мусиқий санъат, ўзбек профессионал мусиқаси оғзакаи анъаналарининг шаклланиши, халқ мусиқий ижоди, сарой мусиқаси. Халқ мусиқа педагогикаси, халқ байрамлари, сайллари, мусиқачи ва актерлар ансамбллари ва труппалари, оилада мусиқа тарбияси, мактаб ва мадраса таълим жараёнида мусиқанингўрни, халқ мусиқачи – бастакорлари. Устоз-шогирд мактабларида мусиқачиниўқитиш системаси.

**3-мавзу. XIX - XX асрларда Ўзбекистонда мусиқий маданият, санъат ва педагогиканинг ривожланиши**

XIX аср охири XX аср бошларидаўзбекистонда тарқалган турли янги ғоялар, ижтимоий – сиёсий ҳаракатлар, оқимларнинг мусиқий маданият ва педагогика ривожига таъсири. Жадидларнинг янги усул мактабларини яратишдаги роли, уларнинг маънавий – маърифий ва маданий фаолияти. Илғор зиёлиларнинг мусиқий таълим ва тарбия соҳасидаги фаолияти: Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний. Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китоби. Буюкўзбек мусиқачилари: домла Ҳалим Ибодов, А.Абдурасулов, мулла Тўйчи Тошмухамедов, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий ва бошқаларнинг мусиқа санъати ва мусиқа таълими ривожига ҳиссаси.

**4-мавзу. Мусиқа педагогикаси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

Кишилик жамиятининг ибтидоий даврида одамлар табиат иноM етган тайёр маҳсулотлардан жуда унумли фойдаланишган. Дастлаб, турли мева ва сабзавотларни истеъмол қилиб кун кўришган бўлсада, кейинчалик гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ва еҳтиёжи ортиб борди. Бу яшаш учун кураш одамларга овчилик, кейинчалик еса деҳқончилик, чорвочилик, ундан кейин еса ҳунармандчиликнинг турли-туман



CamScanner yordamida skanerlangan

кўринишларини ривожланишига олиб келди. Мазкур ривожланишлар олимларнинг меҳнат тажрибасини шакллантирди, ривожлантирди. "Педагогика" атамаси. Мусика педагогикаси объекти.

**5-мавзу. Мусиқа педагогикаси жараёнинингўзига хос хусусиятлари**

Мусиқа педагогикаси жараёни мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Унинг моҳияти мусиқа мутахассислари ҳисобланганўқувчи ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баққуват, мусиқанинг у ёки бу тури бўйича ўзининг ижрочилик қобилияти ва унга таёргарлигини муваффақиятли олиб боришга тайёрлаш бўйича ўқитувчи-мураббийларнинг мақсадли ташкилий ва таълим-тарбиявий фаолияти билан белгиланади.

Мусиқа педагогикаси жараёни – ўқитувчи ва мураббий-ўқувчиларнинг икки томонлама фаол фаолияти.

**6-мавзу. Мусиқа педагогикасининг илмий тадқиқот методлари**

Ҳар қандай фанўзининг илмий тадқиқот методларига ега. Бу методлар орқали у ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Мусиқа педагогикаси фани ҳам бундан мустасно емас. У ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган методлар биланўрганади. Педагогик кузатиш методи. Суҳбат методи. Мусиқа ижрочисининг амалий фаолиятиниўрганиш методи. Тест-сўровнома методи. Ҳужжатларни таҳлил қилиш методи. Педагогик експеримент методи. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи. Математика ва кибернетика методи.

**7-мавзу. Мусиқий дидактика таълими**

**Таълим жараёнининг моҳияти, мазмуни ва умумий тавсифи**

Ўқувчи-талабаларга таълим бериш жараёнининг педагогик моҳиятини мусиқа педагогикасининг муҳим таркибий қисми бўлган мусиқий дидактик таълим ўрганади. Талабалар таълим жараёнининг қонуниятларини тадқиқ етар екан, дидактика унинг принциплари, шакл ва методлари, моддий-техникавий воситалари ва шу кабиларни белгилайди. Санаб ўтилган вазифаларни ҳал етиш давомида мусиқий дидактик таълимотиўқувчи, талаба-ёшларларнинг таълим олиш жараёнининг методик тизимидаўз аксини топувчи назарий моделини тузади. Мусиқа педагогикаси таълимининг аниқ (хусусий) методикаси сифатида мусиқий дидактик таълими унга қўйиладиган талабларни белгилаб беради.



CamScanner yordamida skanerlangan

## 8-мавзу. Мусиқа педагогикасини таълими жараёнининг асосий тамойиллари

Таълим принциплари ёки дидактик принциплар, деб мусиқий-педагогик жараённинг асосий қонуниятларини акс эттирувчи педагогик қоидалар тушунилади. Ушбу қоидалар таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўйичаўқитувчи фаолиятини белгилайди. Бу принципларда таълим жараёни қонуниятлари, унинг мантиқи ва қарама-қаршиликларининг талаблари акс етади. Ҳар бир принцип таълим жараёнининг алоҳида томонларини, уларнинг аниқ талабларини ёритиб берувчи қоидаларниўз ичига олади ва уларнинг қўлланилишиўқитувчи-педагогнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган умумий муносабатини белгилайди. Таълимнинг илмийлиги принципи.ўқувчи ёшлар ва мусиқа ижрочиларни ижрочилик маҳорати унинг ва руҳий тайёргарлигини таъминлашнинг изчиллик принципи.ўқувчи-талаба ёшларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи. Таълимда кўргазмалилик принципи. Таълимда тизимлилик, кетма-кетлик ва изчиллик принципи. Таълимнинг тушунарлилиги принципи. Билим ва кўникма хамда малака тажрибаларнинг пухталиги принципи. Таълимда жамоа бўлиб ва якка тартибда ёндашиш принципи.

## 9-мавзу. Мусиқий-педагогик таълим жараёни

Мусиқий-педагогик таълим жараёни ва унингўзига хослиги. Мусиқий-педагогик таълимнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Мусиқий-педагогика ихтисослиги талабаси шахсини ривожлантириш вазифалари. Ўқитувчининг мусиқий таълим жараёнини ташкил қилиш фаолияти.

## 10-мавзу. Мусиқа педагогикси таълимнинг шакл ва методлари

Мусиқий-педагогик таълим жараёнида фаолият турлари, шакл ва методлари.ўқувчи шахсини ривожлантириш вазифалари ва педагогнинг мусиқий таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича фаолияти. Замонавий мусиқий педагогиканинг технология ва методлари. Мусиқий фанларниўқитишда ҳамкорлик педагогикаси тамойилларини реализациялаш. Педагогнинг ўқувчилар билиш фаоллигини мусиқий – педагогик таълим жараёнида мотивация билан биргаликда шакллантириш бўйича ишлар тизими.



CamScanner yordamida skanerlangan

## III. Семинар машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия етилади:

1.Олий мусиқий-педагогик маълумотли мутахассиснинг замонавий модели.

2.Мусиқа педагогикаси таълим жараёнинингўзига хослиги.

3.Мусиқа педагогикси таълимда ўқитиш жараёни технологиялари, шакл ва методлари.

4.Мусиқий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий қилиш муаммолари ваўзига хослиги.

5.Ўзбекистон Республикасида мусиқа педагогикаси таълимни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.

6.Мусиқий таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

7.ДТС, меъёрий ва методик ҳужжатлар таҳлили.

8.Мусиқа педагогикаси қитувчиси ўқув-методик ишларини режалаштириш.

9.Мусиқа педагогикаси соҳасиўқитувчисини илмий-методик ишларни режалаштириш.

10.Мусиқа педагогикаси таълим жараёнида мусиқа педагогикасининг технологияларидан фойдаланиш.

11.Мусиқа педагогикаси факултети ўқитувчиси илмий-методик ишларини режалаштириш.

12.Мусиқа педагогикаси таълим жараёнига ривожлантирувчи таълим технологияларини жорий қилиш.

13.Муаммолиўқитиш технологияларини жорий қилиш.

14.Мусиқа педагогикаси таълимда ўйин технологиялари жорий қилиш.

15.Мусиқа педагогикаси жараёнида интерфаол технологиялар.

16.Мусиқа педагогикаси таълимда ахборот технологиялари жорий қилиш.

Семинар машғулотлари мусиқий чолғулар, мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томониданўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамидаўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар



CamScanner yordamida skanerlangan

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Энг қадимги даврлардан XVI асргача даврда Ўзбекистонда мусика педагогикасининг ривожланиши.

2. XVI асрдан то XIX аср бошларигача даврда Ўзбекистонда мусикий маданият, санъат ва педагогиканинг ривожланиши.

3. XIX - XX асрларда Ўзбекистонда мусикий маданият, санъат ва педагогиканинг ривожланиши.

4. XX асрнинг 20-40- йилларида Ўзбекистонда мусикий таълим ва мусика педагогикаси.

5. Мустақиллик даврида Ўзбекистон мусикий таълим ва мусика педагогикаси.

6. Хорижда мусикий-педагогик таълим ва мусика педагогикасининг ўрни.

7. Педагогика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида мусика таълими, кадрлар тайёрлашда мусикий тарбиянинг амалий тизимлари.

8. Ўзбекистонда мусика соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш: муаммо ва ечимлар.

9. Мустақиллик йилларида мусика соҳасига бўлган эътибор. Илмий тадқиқотларда янгича ёндашув.

10. Эрамиздан олдинги IV асрда Ўрта Осиёда мусика санъатининг ривожланиши.

11. IX – XII асрларда мусика педагогикасининг ривожланиши.

12. Темурийлар даври маданиятида мусика ва педагогика.

13. Жомий ва Навоий ижодида мусика.

14. XX аср охири ва XXI аср бошларида мусика таълими ривожига ҳисса қўшган олимлар.

15. XI – XV асрларда мусика маданияти ва маънавият ривожига ҳисса қўшган олимлар асарлари.

16. Буюк мутафаккир Форобийнинг мусика педагогикасининг шаклланишидаги ўрни.

17. XVI асрдан XIX асрнинг I – ярмигача ўзбек халқининг маданияти ривожланиши.

18. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда мусиқа педагогикаси.

19. Навоий – мусиқашунос. Унинг миллий мусиқа санъати ривожланишига қарашлари.



CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan

CamScanner yordamida skanerlangan